


## Хабарлар билан ишлаш


### Кирувчи хабарларни ўқиш

Кирувчи хабарларни ўқиш тизимнинг **Xabarlar / Mening xabarlarim** менюси орқали амалга оширилади (1-расм).




1-расм. Кирувчи хабарлар билан ишлаш

Келган хабарларни ўқиш учун папкалар рўйхатидан **Kiruvchi xabarlar** папкасини танлаш орқали **kiruvchi xabarlar** рўйхати ойнасига ўтинг ва рўйхатдан хабарни танлаш орқали хабар мазмунини ўқинг (2-расм).



2-расм. Кирувчи хабарларни ўқиш


**Javob berish** тугмасини танлаш орқали жавоб ёзиш ойнасида ўтинг (3-расм).



3-расм. Келган хабарга жавоб ёзиш


Хабарга жавобни ёзинг ва **Yuborish** тугмасини танланг. Натижада хабар жўнатилади.

Кирувчи хабарни бошқа фойдаланувчига жўнатиш учун кирувчи хабарларни ўқиш ойнасидан (2-расм) **Qayta yuborish** тугмасини танланг. Натижада хабарга жавоб ёзиш ойнаси очилади (4-расм).




4-расм. Жавоб ёзиш ойнаси

Хабарни юбориш учун **+Xodim** ёки **+Talaba** тугмасини танлаш орқали фойдаланувчилар рўйхати ойнасига ўтинг (5-расм).



5-расм. Фойдаланувчилар рўйхати

Фойдаланувчилар рўйхатидан керакли фойдаланувчиларни танланг ва **Qo'shish** тугмасини танлаш орқали фойдаланувчиларни кўшинг (6-расм)



6-расм. Хабарни қайта юбориш


**Yuborish** tugmasini tanlash orqali xabarни жўнатинг.

### Келган хабарни ўчириш

Келган хабарни ўчириш учун папкалар рўйхатидан **Kiruvchi xabarlar** папкасини танлаш орқали **kiruvchi xabarlar** рўйхати ойнасига ўтинг (1-расм) ва рўйхатдан хабарни танлаш орқали хабар мазмунини ўқиш ойнасида ўтинг **O'chirish** tugmasini tanlash orqali келган хабарни ўчиринг (2-расм).


### Жўнатилган хабарлар билан ишлаш

Жўнатилган хабарларни кўриш учун тизимнинг **Xabarlar / Mening xabarlarim** менюсига ўтинг (1-расм). Папкалар рўйхатидан **Jo'natilgan** папкасини танлаш орқали **Jo'natilgan** хабарлар рўйхатига ўтинг (7-расм)



7-расм. Жўнатилган хабарлар рўйхати

Жўнатилган хабарлар рўйхатдан хабарни танлаш орқали хабар мазмунини ўқинг (7-расм).




8-расм. Жўнатилган хабарларни ўқиш

Жўнатилган хабардан фойдаланилмаса **O'chirish** tugmasini tanlash orqali хабарни ўчиринг.

### Қоралама хабарлар билан ишлаш


Қоралама хабарлар билан ишлаш учун учун тизимнинг **Xabarlar / Mening xabarlarim** менюсига ўтинг (1-расм). Папкалар рўйхатидан

## Qoralama папкасини танлаш орқали Qoralama хабарлар рўйхатига ўтинг (9-расм)



9-расм. Қоралама хатлар рўйхати

Қоралама хатлар рўйхатида яратилган аммо охирига етказилмаган хабарлар рўйхати мавжуд бўлади. Қоралама хатни таҳрирлаш учун рўйхатни хатни танлаш орқали қоралама хатнинг мазмунини ўқиш ойнасига ўтинг (10-расм).



10-расм. Қоралама хат мазмуни

Қоралама хат мазмунига ўзгартириш киритиш керак бўлса таҳрирлаш қилинг ва юбориш тугмасини танлаш орқали фойдаланувчига юборинг

## Қоралама хабарни ўчириш

Қоралама хабарни ўчириш учун қоралама хат мазмуни ойнасидан **O'chirish** тугмасини босинг. Натижада қоралама хат ўчади.

## Корзинка папкаси билан ишлаш

Корзинка папкаси билан ишлаш учун тизимнинг **Xabarlar / Mening xabarlarim** менюсига ўтинг (1-расм). Папкалар рўйхатидан **Korzinka**

